

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

135 Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдони ташкил этишни такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо соҳасида бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш ва рақобат муҳитини ривожлантириш, хусусий савдо корхоналари фаолиятини, аввало қишлоқ жойларда, фаоллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг, «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компаниялари акциядорларининг «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компанияларини тугатиш, уларнинг таркибига кирган улгуржи ва чакана корхоналар келгусида ўз фаолиятини мустақил хўжалик юритувчи субъектлар сифатида амалга ошириши ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон

Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, «Матлубот-савдо» ҳудудий акциядорлик компанияларининг раҳбарлари ҳудудий солиқ органлари, хизмат кўрсатувчи тижорат банклари, бошқа манфаатдор тузилмалар иштирокида бир ҳафта муддатда тугатиш комиссияларини ташкил этсинлар ҳамда «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компанияларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатсинлар, уларнинг улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш, ишлаб чиқариш, тайёрлов ташкилотлари ва бошқа ташкилотлардаги улушларини хусусий мулк этиб сотсинлар.

3. Ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларнинг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш учун иловага* мувофиқ таркибда Махсус комиссия тузилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ савдосида мулкчилик муносабатларини, бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва монополиядан чиқариш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 24 мартдаги 125-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 30 март,
94-сон

* Илова берилмайди.